

МАҲАЛЛАЛАРДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Шарипов Р.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва аҳолининг тинч ҳамда хавфсиз ҳаёти учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий, ҳуқуқий ва институционал ислохотлар доирасида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи замонавий моделини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда маҳалла институтининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Маҳалла нафақат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, балки аҳоли муаммоларини аниқлаш, ижтимоий профилактикани амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ижтимоий институти сифатида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасидаги замонавий ёндашувлар хавфсизликни таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси эмаслигини, балки давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигига асосланган комплекс жараён эканлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини самарали ташкил этиш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этиш, секторлар фаолиятини йўлга қўйиш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш борасида муайян натижаларга эришилди. Бироқ ҳуқуқбузарликларнинг янги шакллари пайдо бўлиши, миграция жараёнларининг фаоллашуви, интернет ва ахборот технологиялари орқали содир этилаётган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлар кўпайиши, шунингдек шахарлашув жараёнларининг жадаллашиши ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизими олдида янги вазифаларни қўймоқда.

Айниқса, маҳаллалар кесимида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, иқтисодий ва психологик омилларни ўз вақтида аниқлаш, хавфларни баҳолаш ва профилактик чораларни манзилли ташкил этиш бўйича мавжуд механизмларни такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда. Амалда профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг кўплиги, маълумотлар базаларининг тарққоқлиги, таҳлилий инструментларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва жамоатчилик билан ҳамкорлик механизмларининг айрим ҳолларда формал тус олиши мазкур соҳада қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг назарий асосларини қайта қўриб чиқиш, уни замонавий хавфларга мослаштириш, рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда жамоатчилик иштирокини кучайтириш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жамоат хавфсизлигини бошқариш масалалари хорижий ва миллий олимлар томонидан кенг тадқиқ этилган. Жумладан, R. Trojanowicz [1], H. Goldstein [2], J. Greene, D. Bayley [3], L. Sherman [4] каби олимлар томонидан community policing ва problem-oriented policing концепциялари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур ёндашувлар аҳоли билан ҳамкорликка асосланган хавфсизлик тизимини шакллантиришда муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

МДХ давлатлари олимларидан В.П.Сальников, А.И.Долгова, Ю.М.Антонян, В.Д.Малков ва бошқалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш масалаларини тадқиқ этганлар. Ўзбекистонлик олимлардан З.М.Исломов [5], А.Х.Саидов [6], Ш.Т.Икрамов, М.Х.Рустамбаев [7], А.С.Якубов ва бошқалар ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жамоат хавфсизлиги соҳасида муҳим илмий изланишлар олиб борганлар.

Бироқ маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини хавфларга асосланган бошқарув тамойиллари асосида ташкил этиш, ҳуқуқ-тартибот индекси механизмларини жорий қилиш ва рақамли таҳлил технологияларидан фойдаланиш масалалари етарли даражада комплекс тадқиқ этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг олий мақсади сифатида белгиланган. Мазкур конституциявий қоида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасидаги барча давлат органлари, жумладан ички ишлар органлари фаолиятининг асосий мазмунини белгилаб беради [8]. «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишдан иборатдир [9]. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун эса профилактика субъектларининг ваколатлари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш механизмларини белгилаб беради. Ушбу қонун ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига қарши курашишдан қўра, уларнинг сабабларини бартараф этишга устувор аҳамият қаратади [10].

Хуқуқ-тартиботни таъминлашнинг амалдаги тизимида маҳалла хуқуқ-тартибот масканлари асосий бўғин сифатида намоён бўлмоқда. Улар муайян ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш ва давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини бажаради.

Ўрганишлар натижасида маҳалла хуқуқ-тартибот масканларининг ташкил этилиши натижасида қуйидаги ижобий ўзгаришлар кузатилди:

биринчидан, ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ахборотларни тезкор қабул қилиш имконияти кенгайди;
иккинчидан, профилактика чоралари аҳолига яқинлаштирилди;
учинчидан, профилактика инспекторларининг маҳаллада доимий фаолият юритиши таъминланди;
тўртинчидан, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди.
Бироқ мазкур тизим фаолияти таҳлили айрим муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Амалдаги тизимдаги асосий муаммолар аниқланди:

1. Профилактика инспекторлари вазифаларининг ортикча юкланиши

Амалда профилактика инспекторлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, турли ҳисоблар юритиш, маълумотномалар тайёрлаш, йиғилишларда иштирок этиш, кўп сонли ҳисоботларни шакллантириш каби вазифаларни ҳам бажармоқда. Бу ҳолат профилактика ишларига ажратиладиган вақтнинг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, профилактика инспектори иш вақтининг салмоқли қисми аҳоли билан бевосита ишлаш эмас, балки ҳисобот ва ҳужжат айланмаси билан боғлиқ жараёнларга сарфланмоқда.

2. Хавфларни баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмаслиги. Айрим маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлса-да, уларни баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича ягона илмий асосланган механизм шаклланмаган. Натижада ресурслар баъзан юқори хавфли ҳудудларга эмас, балки умумий тартибда тақсимланмоқда. Бу эса профилактика ишларининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

3. Маълумотлар базаларининг тарқоқлиги. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари кўп ҳолларда ишсизлик, ижтимоий ночорлик, таълимдан узилиш, оилавий низолар ёки бошқа ижтимоий омиллар билан боғлиқ бўлади. Бироқ ушбу маълумотлар турли давлат органлари ахборот тизимларида тарқоқ ҳолда сақланади. Бу профилактика инспектори томонидан муайян оила ёки шахс бўйича комплекс таҳлил ўтказиш имкониятларини чеклайди.

4. Жамоатчилик иштирокининг формал тус олиши. Айрим ҳолларда фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик тузилмалари ва фаол фуқароларнинг иштирок этиши фақат йиғилишлар ёки расмий тадбирлар билан чекланиб қолмоқда. Халқаро тажриба эса ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда аҳоли иштирокининг юқори даражаси ҳуқуқбузарликлар камайишига бевосита таъсир кўрсатишини кўрсатади.

5. Рақамли таҳлил воситаларининг чекланганлиги. Ҳозирги вақтда аксарият маълумотлар рўйхатга олиш ва ҳисобот шакллантириш мақсадида йиғилади. Уларнинг таҳлилий қиймати тўлиқ ишлатилмаяпти. Натижада ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш тенденцияларини прогноз қилиш имконияти чекланиб қолмоқда.

Криминологик нуқтаи назардан баҳолаш. Криминология фанида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши муайян ижтимоий муҳит билан боғлиқ эканлиги эътироф этилади. Шу нуқтаи назардан маҳалла нафақат маъмурий ҳудуд, балки ҳуқуқбузарликларнинг шаклланиши ёки олди олинишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий муҳит сифатида қаралиши лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар юқори даражада кузатиладиган маҳаллалар учун қуйидаги омиллар хос: аҳоли бандлигининг пастлиги; ёшлар ўртасида ишсизликнинг юқорилиги; оилавий ажримлар сонининг кўплиги; миграция даражасининг юқорилиги; ижтимоий назоратнинг заифлиги; бўш вақтни мазмунли ташкил этиш имкониятларининг чекланганлиги.

Шу сабабли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат жазо чораларини кучайтириш орқали эмас, балки мазкур омилларни бартараф этиш орқали амалга оширилиши лозим.

Ўтказилган таҳлиллар қуйидаги ҳулосаларни чиқариш имконини берди:

биринчидан, маҳалла хуқуқ-тартибот масканлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг энг самарали институционал механизми сифатида шаклланмоқда.

иккинчидан, профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашда фақат статистик кўрсаткичлардан эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш самарадорлигидан келиб чиқиш лозим.

учинчидан, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида хавфларга асосланган бошқарув механизмларини жорий этиш зарур.

тўртинчидан, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш ҳуқуқбузарликларни прогноз қилиш ва профилактика тадбирларининг манзиллилигини таъминлаш имконини беради.

бешинчидан, маҳалла институти ва жамоатчиликнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокини кучайтириш ҳуқуқбузарликлар даражасини пасайтиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Trojanowicz R., Bucqueroux B. Community Policing: A Contemporary Perspective. – Cincinnati: Anderson Publishing, 1998.
2. Goldstein H. Problem-Oriented Policing. – New York: McGraw-Hill, 1990.
3. Bayley D.H. Police for the Future. – New York: Oxford University Press, 1994.
4. Sherman L.W. Evidence-Based Policing. – Washington D.C., 1998.

5. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2018.
6. Саидов А.Х. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020.
7. Рустамбаев М.Х. Криминология. – Тошкент: TDYU нашриёти, 2021.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 2023.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Аннотация: Мақолада маҳаллаларда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида маҳалла институтининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимидаги ўрни, профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат органлари ва жамоатчилик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмлари ўрганилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация: в статье исследуются теоретические и практические аспекты организации деятельности органов внутренних дел по обеспечению правопорядка в махаллах. Рассматриваются роль института махалли в системе общественной безопасности, эффективность деятельности инспекторов профилактики, а также механизмы взаимодействия государственных органов и институтов гражданского общества в сфере профилактики правонарушений.

Ключевые слова: инспектор профилактики, общественная безопасность, профилактика правонарушений.

Abstract: this article examines theoretical and practical issues related to the organization of internal affairs bodies in ensuring public order within mahallas. The study analyzes the role of the mahalla institution in public safety, the effectiveness of prevention inspectors, and mechanisms of cooperation between state bodies and civil society institutions in crime prevention.

Keywords: prevention inspector, public safety, crime prevention.

UO‘K 94 (575.1)